

«BIOKIMYO» AJ
акциядорларининг 2023 йил 27 июндаги
Умумий йиғилиши қарори билан

«ТАСДИҚЛАНГАН»

Умумий йигитлик раиси О.Хуррамов



**«BIOKIMYO»
AKSIYADORLIK JAMIYATINING**

**Кузатув кенгashi түғрисидаги
НИЗОМИ
(янги таҳрири)**

Янгийўл шахар – 2023 йил

МУНДАРИЖА

1. Умумий қоидалар	3
2. Кузатув кенгашнинг ваколатлари	3
3. Кузатув кенгаш аъзоларини сайлаш	4
4. Ёзатув кенгаш аъзоларига доир малака талаблари	6
5. Кузатув кенгаш Раиси.....	7
7. Кузатув кенгаш мажлиси.....	7
8. Кузатув кенгаши қошида қўмиталарни шакллантириш	9
9. Кузатув кенгаш аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.....	9
10. Кузатув кенгаш аъзоларининг жавобгарлиги	10

1. Умумий қоидалар

1.1. Мазкур Низом «BIOKIMYO» Aksiyadorlik jamiatining (бундан буён матнда Жамият деб юритилади) Кузатув кенгашини ташкил этиш ва унинг фаолият тартибини, аъзоларини сайлашни, шунингдек уларнинг хукуқ ва мажбуриятларини белгилайди.

1.2. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6-майдаги 370-сон «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» Қонуни (бундан буён матнда Қонун деб юритилади), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги ПФ-101-сон Фармони, 2023 йил 20 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси ЎРҚ-814 сон Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг “2021-2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2021 йил 29 марта 166-сон қарори, акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси йигилишининг 2015 йил 31 декабрдаги 9-сон баённомаси билан тасдиқланган “Корпоратив бошқарув кодекси” (бундан буён матнда Кодекс деб юритилади), 2018 йил 20 апрелдаги 15-сон баённомаси билан тасдиқланган “Корпоратив бошқарув қоидалари” (бундан буён матнда Қоида деб юритилади) хамда Жамият Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.3. Жамият Кузатув кенгashi ўз ишини қонунчилик, мазкур Устав ва акциядорлар Умумий йигилиши қарори билан тасдиқланган мазкур «Кузатув кенгashi тўғрисида»ги низом асосида амалга оширади.

1.4. Жамият Кузатув кенгашининг сон таркиби Жамият Уставида белгилаб қўйилади.

2. Кузатув кенгашнинг ваколатлари

2.1. Жамиятнинг Кузатув кенгashi Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, Қонун ва Жамият Устави билан акциядорлар Умумий йигилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

2.2. Кузатув кенгаш ваколатига қуйидагилар киради:

- ✓ жамиятнинг бизнес-режаси кўрсатгичлари, ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида жамият Бошқарувнинг хисоботини мунтазам равишда эшитиб борган холда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- ✓ хомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш хамда бу борада қарор қабул қилиш хукуқини фақат акциядорларнинг умумий йигилиши ва қонун хужжатларида белгиланган доирада, бу хақда барча акциядорлар учун маълумотларни ошкор этган тарзда бериш;
- ✓ жамият ташкилий тузилмасини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва мунтазам баҳоланиши бўйича ишларнинг қонунчилиқда белгиланган талабларга мувофиқ тарзда амалга оширилишини мувофиқлаштиришни таъминлаш;
- ✓ корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиш учун мустақил ташкилотни танлаш жамият кузатув кенгашининг қарори бўйича танлов асосида ўтказиш;
- ✓ жамиятнинг Устав фондини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан қўпайтириш, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини қўпайтириш хамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;
- ✓ акцияларни жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиқсан ҳолда белгилаш;

- ✓ акциялар чиқариш тұғрисидаги қарорни тасдиқлаш;
- ✓ эмиссия рисоласини тасдиқлаш;
- ✓ корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тұғрисидаги қарорни қабул қилиш ва тасдиқлаш;
- ✓ қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тұғрисида қарор қабул қилиш;
- ✓ қимматли қоғозларни чиқариш тұғрисидаги қарор ва (ёки) рисолага ўзgartишилар ва (ёки) құшымчалар киритиш ва қимматли қоғозлар жойлаштирилиши ва муомаласини тұхтатиб туриш тұғрисида қарор қабул қилиш;
- ✓ жамият үзи жойлаштирган акцияларни уларни кейинчалик белгиланған тартибда қайта сотиши мақсадида қарор қабул қилиш;
- ✓ корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тұғрисида қарор қабул қилиш;
- ✓ акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари Умумий йиғилишларини чақириш, бундан Конун **65-моддасининг ўн биринчи қисмида** назарда тутилған ҳоллар мустасно;
- ✓ акциядорлар Умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;
- ✓ акциядорларнинг Умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вакт ва жойни белгилаш;
- ✓ акциядорларнинг Умумий йиғилиши ўтказилиши хақида хабар қилиш ва йиғилиш ўтказиш учун Жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
- ✓ жамият Уставига ўзgartириш ва құшымчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш масалаларни акциядорларнинг Умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;
- ✓ мол-мулкнинг бозор қыйматини белгилашни ташкил этиш;
- ✓ жамият Бошқарув сон таркибини тузиш ва Бошқарув аъзоларини сайлаш (тайинлаш), уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиши, бунда Бошқарув раиси ва унинг ўринбосарларини сайлаш (тайинлаш) танлов асосида амалга оширилади. Танловда хорижий менеджерлар хам иштирок этиши мүмкін;
- ✓ жамиятнинг Бошқарув Раиси ва Бошқарув аъзоларига тұланадиган ҳақ, мукофот ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш, бизнес-режа күрсаткичлари бажарилмаган ёки самарадорликнинг мұхим күрсаткичлари “паст” ёки “қониқарсиз” деб бағоланған тақдирда ижро органдың томонидан ўтган ҳисобот йилида тұланған мукофотни тұлық Жамиятқа қайтариш масаласини күриб чиқиши;
- ✓ Бошқарув Раисини ва Бошқарув аъзолари билан тузилған шартномаларни амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мүмкінligи тұғрисида қарор қабул қилиш;
- ✓ йиллик бизнес-режасини жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқуллаш ва тасдиқлаш;
- ✓ ички аудит хизматини ташкил этиш, унинг харажатлар сметаси, иш режасини тасдиқлаш, ходимларини тайинлаш хамда ҳисоботини **хар чоракда** эшитиб бориши тасдиқлаш;
- ✓ корпоратив маслағатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;
- ✓ рахбар лавозимларга танлов эълон қилиш, танловнинг объектив мезонлари уларнинг якуни бүйича янгича фикрловчи, замонавий талабларга жавоб берувчи юқори малакага эга бўлган, шунингдек, хорижий менеджерларни танлаб олиш жараёнлари баён этилган танловлар регламентини тасдиқлаш;

- ✓ жамиятнинг “Ахборот сиёсати тўғрисидаги низомини” тасдиқлаш;
- ✓ жамият кузатув кенгаши қошида кузатув кенгаши, ижроия органи аъзолари, жамият ходимлари ва жалб этилган эксперталар (тегишли соҳа мутахассислари, соҳа олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва бошқалар) дан иборат тегишли масалалар, шу жумладан, низоли вазиятларни аниқлаш ва ҳал этиш бўйича қўмиталар (ишчи гурӯхлари) ташкил этиш ва низомларини тасдиқлаш;
- ✓ жамият корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш учун мустақил ташкилотни жалб қилиш;
- ✓ корпоратив бошқарув кодексини жорий этиш бўйича чора-тадбирларни ўз вактида бажарилиши устидан назорат қилишни таъминлаш;
- ✓ кузатув кенгаши йигилишларини сўров ўтказиш йўли билан, шунингдек, видеоконференц-алоқа режимида ўтказиш холатлари ва тартибини белгилаш;
- ✓ акциядорлар ва инвесторлар билан ўзаро хамкорлик учун масъул ходим ёки бўлинмани белгилайди;
- ✓ жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Жамият Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан факат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;
- ✓ аудиторлик текширувани ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ микдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;
- ✓ аудиторлик текширувани, шу жумладан ҳалқаро стандартларга мувофиқ тузилган молиявий хисоботларнинг ҳалқаро аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувидан ўтказиш ва эълон қилиш бўйича тегишли қарорларни қабул қилиш;
- ✓ Бошқарувнинг фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигининг асосий кўрсаткичларини тасдиқлаш;
- ✓ жамиятда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноат кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари натижадорлиги юзасидан амалга оширилган ишлар бўйича хисоботларни тинглаш;
- ✓ харидлар жараёни шаффофлиги ва асослилиги, шу жумладан маҳаллий маҳсулотларнинг сифат ва нарх бўйича белгиланган параметрларга мувофиқлигини хисобга олган ҳолда импорт харидларини, шунингдек валюта ресурсларидан самарали фойдаланишини ҳар чоракда ташқи аудитдан ўтказиш механизмини жорий этиш;
- ✓ жамият харидларининг йиллик ва чораклик режа-жадвалларини, шунингдек, импорт қилиш режалаштирилган товарлар (ишлар, ҳизматлар) рўйхатларини харидларнинг мақсадга мувофиқлигини кўриб чиқиш;
- ✓ жамият ижро органи раҳбарининг трансформация масалалари бўйича харажатлар сметасини тасдиқлаш;
 - ✓ жамият ижро органи раҳбарига хусусийлаштириш жараёнларини, шу жумладан акцияларни оммавий жойлаштиришни (IPO) сифатли ва белгиланган муддатларда амалга оширганлиги учун алоҳида мукофот (мазкур Низомнинг кўзда тутилган рағбатлантиришдан ташқари) ёки амалга оширганлик учун жавобгарлик чоралари белгилаш;
 - ✓ асосий фаолиятига хос бўлган янги кўчмас мулк объектларини сотиб олиш ёки қуриш ҳамда хўжалик жамиятлари устав капиталидаги улушни сотиб олиш, шунингдек, асосий фаолиятидан ташқари қўшимча фаолият билан шугулланиш мақсадга мувофиқлигини кўриб чиқиш ва тегишли қарор қабул қилиш;
 - ✓ жамият томонидан мулкни бегоналаштириш, уни сотиш шакли ва механизми,

давлат иштирокидаги корхоналар ва уларнинг таркибидаги корхоналар устав капиталига учинчи шахслар томонидан инвестиция киритиш бўйича келишувларини (битим, шартнома, меморандум ва бошқалар) мажбурий тарзда олдиндан кўриб чиқиш;

✓ Жамият Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган йиллик молиявий ҳисоботни у Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудитдан ўтказилгандан сўнг, уни эълон қилиш бўйича қарорларни қабул қилиш;

✓ Жамиятнинг Тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг микдорлари юзасидан тавсиялар бериш;

✓ дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

✓ Жамиятнинг Захира фондидан ва бошқа фонларидан фойдаланиш;

✓ Жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

✓ Жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;

✓ Конуннинг 8 ва 9-бобларида ва мазкур Уставда назарда тутилган ҳолларда битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;

✓ Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун хужжатларида белгиланган тартибда тузиш.

✓ Жамиятни яшил иқтисодиётга ўтиш жараёнини жадаллаштириш;

✓ Жамиятда трансформация жараёнларини самарали ташкил этиш, корхонанинг ташқи қарзларини оптималлаштириш, замонавий харид тизимини жорий этиш, инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга мукобил маблағларни жалб этиш;

2.3. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига Конун, корпоратив бошқарув кодекси, қоидаси ва Уставга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.

2.4. Кузатув кенгashi акциядорларнинг умумий йиғилиши, кузатув кенгashi, жамият устави ва ривожланиш режаси томонидан қўйилган вазифаларнинг бажарилиши учун ижроия органи ваколатига кирувчи масалаларни у томондан мустақил ҳал этиш талабини жорий этади.

2.5. Жамият Кузатув кенгashi Бошқарув, жамиятнинг ички назорат органи, ташкил этилган коллегиал органлар фаолиятини мувофиқлаштиради, зарур бўлганда, жамият ривожланиш режасини ишлаб чиқишини ташкил этиш ва унда белгиланган мақсадларга эришиш мониторинги учун экспертларни жалб этади.

2.6. Кузатув кенгashi жамиятнинг стратегик мақсади сифатида акциялар нархининг ўсишига олиб келувчи молиявий бақарорликни таъминлаш, меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот рақобатдошлигини ошириш, ишлаб чиқариш, энергия самарадорлиги ва экспорт кўрсатгичларининг ўсиши, ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни амалга оширишни белгилайди.

2.7. Жамият Кузатув кенгashi унинг аъзоси вазифасини бажаришдан озод этилиши шартларини хамда Кузатув кенгashi раисининг йиғилишини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ фаолияти тартиби ва функциясини белгилайди.

2.8. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамиятнинг Бошқарувига ўтказилиши мумкин эмас.

3. Кузатув кенгаш аъзоларини сайлаш

3.1. Жамиятнинг Кузатув кенгashi аъзоларини сайлаш Конунда ва Жамият Уставида назарда тутилган тартибда уч йил муддатга акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан амалга оширилади.

3.2. Жамиятнинг Кузатув кенгashi таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланishi мумкин.

3.3. Жамият Бошқарув органи аъзолари, унинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлайдиган шахслар ва ушбу

жамиятлар бошқарув органларининг аъзолари Кузатув кенгашига сайланishi мумкин эмас.

3.4. Айни шу Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

3.5. Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар акциядорларнинг Умумий йигилиши томонидан тасдиқланган қарорда белгилаб қўйилиши мумкин.

3.6. Кузатув кенгаши аъзолиги учун номзодларга 4-бандга асосан малака талаблари, шу жумладан, Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази томонидан берилган корпоратив бошқарув малака сертификати ёки малака аттестати мавжудлиги талаб қилинади (қонун хужжатларида назарда тутилган холлардан ташқари).

3.7. Жамият кузатув кенгаши таркибига камида бир нафар мустақил аъзо киритилиши керак, ушбу аъзо ҳар йили қайта сайланishi мумкин. Бунда кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига номзодлар жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан, қоида тариқасида, акциядорлар умумий йигилиши қўриб чиқиши учун танлов асосида кўрсатилади.

Қўйидагилар АЖ кузатув кенгашининг мустақил аъзоси бўлиши мумкин эмас:

- сўнгги уч йил ичида жамиятда ва (ёки) жамиятнинг аффилланган шахсларида ишлаган шахс;
- жамият овоз берувчи акцияларининг беш ёки ундан ортиқ фоизига эгалик қилувчи (тўғридан-тўғри ва (ёки) аффилланган шахслар орқали) акциядор;
- жамиятнинг ва (ёки) унинг аффилланган шахсининг йирик мижози ва (ёки) йирик етказиб берувчиси билан фуқаролик-хуқуқий муносабатларда бўлган шахс. Бунда қайси шахслар билан базавий ҳисоблаш миқдорининг икки минг бараваридан кўп бўлган суммага teng амалдаги шартнома мавжуд бўлса, ўша шахслар йирик мижоз ва йирик етказиб берувчи деб эътироф этилади;
- сўнгги уч йил ичида жамиятга ва (ёки) жамиятнинг аффилланган шахсларига аудиторлик хизматларини кўрсатган аудиторлик ташкилотининг ходими;
- кетма-кет олти йил давомида жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига кирган шахс;
- жамият ва (ёки) унинг аффилланган шахслари билан бирор-бир келишувга эга бўлган шахс, бундан кузатув кенгаши аъзосининг вазифалари ва функциялари бажарилишини таъминлаш билан боғлиқ бўлган келишувлар мустасно;
- жамиятнинг бошқарув ва ички назорат органларининг ва (ёки) унинг аффилланган шахсларининг аъзоси бўлган шахснинг ёки сўнгги уч йил ичида уларга аъзо бўлган шахснинг яқин қариндоши ёки қуда томондан қариндоши (ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари, ўғиллари, қизлари, эри (хотини), шунингдек эрининг (хотинининг) ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари) бўлган шахс;
- давлат бошқаруви органининг ёки давлат корхонасининг ходими бўлган шахс;
- жамиятнинг уставида ёки акциядорлар умумий йигилишининг қарорлари билан тасдиқланган хужжатларда белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаган шахс.

Жамият кузатув кенгаши таркибига сайланган мустақил аъзоларнинг реестрини юритади ва уни ўз расмий веб-сайтида эълон қиласи.

Жамият кузатув кенгаши мустақил аъзоларининг реестрини юритиш тартиби қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланади.

Жамият кузатув кенгаши мустақил аъзосининг ушбу модданинг иккинчи қисмида белгиланган талабларга мувофиқлиги ўзгарган тақдирда, у жамиятни ва кузатув кенгашини бу ҳақда икки иш қуни ичида хабардор қилиши шарт. Бу ҳолда ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган тартибда бошқа номзод мустақил аъзо сифатида таклиф этилади.

Жамият кузатув кенгашининг мустақил аъзоси кузатув кенгашининг бошқа аъзолари билан бир қаторда ушбу Қонунда белгиланган тенг ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эга бўлади.

3.8. Жамиятнинг Кузатув кенгаси аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

3.9. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши керак бўлган мустақил аъзолар ва бошқа аъзолар сонига алоҳида кўпайтирилади ҳамда акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли.

3.10. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Жамият Кузатув кенгашининг таркибига сайланган деб ҳисобланади.

4. Кузатув кенгаш аъзолариға доир малака талаблари.

4.1. Кузатув кенгаси аъзоси қўйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- олий маълумотга эга бўлиши;

- Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази томонидан берилган корпоратив бошқарув малака сертификати ёки малака аттестатига эга бўлиши.

4.2. Қўйидаги соҳаларда билим, махорат ва тажрибага эга бўлиши:

- корхонани бошқариш, молиявий менеджмент, ички назорат соҳасида;

- корпоратив ҳуқуқ ва бошқарув соҳасида.

4.3. Амалдаги Қонун, фармон, қарор ва бошқа давлат органлари томонидан чиқарилган меъёрий-ҳуқуқий хужжатларни билиши;

4.4. Бошқарув органларида камидан уч йиллик тажрибаси бўлиши керак.

5. Кузатув кенгаш Раиси

5.1. Жамият Кузатув кенгашининг Раиси Кузатув кенгаси аъзоларининг умумий сонига нисбатан **кўпчилик** овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан Кузатув кенгаси аъзолари томонидан сайланади.

5.2. Жамиятнинг Кузатув кенгаси ўз Раисини Кузатув кенгаси аъзоларининг умумий сонига нисбатан **кўпчилик** овоз билан қайта сайлашга ҳақли.

5.3. Жамият Кузатув кенгашининг Раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаси мажлисларини чақиради ва уларда раислик қиласида, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, акциядорларнинг Умумий йиғилишида раислик қиласида.

5.4. Жамият Кузатув кенгашининг Раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

5.5. Кузатув кенгаси Раиси, агар Кузатув кенгашнинг қарори билан ушбу ваколатлар бошқа шахсга юкланмаган бўлса, Бошқарув раҳбари ва аъзолари билан тузилган шартномаларни жамият номидан имзолайди.

6. Кузатув кенгаси мажлиси

6.1 Жамият Кузатув кенгашининг мажлиси Кузатув кенгашининг Раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, Жамият Кузатув кенгаси, Тафтиш комиссияси, Бошқарув аъзосининг, шунингдек Жамият овоз берувчи акцияларининг камидан **бир фоизига** эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра чақирилади ва кун тартиби, фойдани тақсимлаш, бошқарув ва назорат органи аъзолигига уларнинг номзодини (умумий йиғилиш ўтказилгунга қадар алмаштириш имконияти билан) кўрсатиш юзасидан тақлиф киритилади.

6.2. Жамият Кузатув кенгаси мажлислари унинг Раиси томонидан **хар чоракда** камидан **бир марта** чақирилади. Зарурият кўра Жамият Кузатув кенгашининг мажлислари чоракда бир мартадан **кўпроқ** ўтказилиши мумкин.

Жамият Кузатув кенгашининг йиғилишлари сўров ўтказиш йўли билан шунингдек, видеоконференц-алоқа режимида ўтказиши мумкин, бунда Жамият Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

6.3. Янги бир йил муддатга сайланган Кузатув кенгашининг биринчи мажлиси Жамиятнинг Кузатув кенгаси аъзоларидан бири томонидан мажлис чақирилиши тўғрисидаги бошқа Кузатув кенгаси аъзоларини хабардор қилиш орқали чақирилади. Кузатув кенгашининг ушбу мажлисида Жамият Кузатув кенгаси Раисини сайлаш масаласи кўриши шарт.

6.4. Мазкур Низомнинг **6.1-бандида** белгиланган шахс томонидан Кузатув кенгаси мажлисини чақириш тўғрисидаги ёзма талаб келиб тушган тақдирда, Кузатув кенгашининг Раиси келиб тушган талабни кўриб чиқишига мажбур. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш тўғрисидаги талабда мажлис кун тартибига киритилиши керак бўлган масалалар, уларни киритиш сабаблари кўрсатилган ҳолда таърифланган ҳамда мажлис чақирилишини талаб қилаётган шахснинг электрон манзили бўлиши керак. Талаб тақдим этган санадан эътиборан **ўн кун** ичida Жамият Кузатув кенгашининг Раиси мажлисни чақириш тўғрисида ёки мажлисни чақиришини рад этиш ҳакида карор қабул қилиши керак. Чакириш тўғрисидаги карор қабул қилинган тақдирда талабда кўрсатилган масалани (масалаларни) кўриб чиқиш бўйича Кузатув кенгаси мажлиси Кузатув кенгаси Раиси томонидан тегишли талаб олинганидан бошлаб **ўттиз иш кунидан** кечиктирмай ўтказилиши керак. Жамият Кузатув кенгаси Раиси томонидан мажлиси чақириш ёки бундай мажлисни чақиришини рад этиш ҳақидаги асослантирилган карори мажлис чақиришини талаб қилган шахсга қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан **уч иш кунидан** кечиктирмай электрон манзил орқали юборилади.

6.5. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум аниқланади. Жамият Кузатув кенгасига сайланган аъзоларнинг камида **етмиш беш** фоизи иштирок этганида кворум ҳисобланади. Жамият Кузатув кенгаси аъзоларининг сони мазкур **бандида** назарда тутилган миқдорнинг **етмиш беш** фоизидан кам бўлган ёки кузатув кенгаси аъзоси вазифасини бажаришдан озод этилган тақдирда, Жамият Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чақириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишига, шунингдек Жамият Бошқарув Раисининг ваколатлари муддатидан илгари тутатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

6.6. Жамиятнинг Кузатув кенгаси мажлиси кворуми мавжуд бўлган тақдирда Жамият Кузатув кенгаси ваколатли бўлади. Кузатув кенгаси мажлисини Кузатув кенгаси Раиси, у бўлмаган тақдирда эса, унинг Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири очади, мажлис кун тартибини эълон қиласи ва мажлисини олиб боради. Йиғилиш кун тартиби масаласи бўйича Кузатув кенгаси Раиси, Кузатув кенгаси аъзоси ёки кун тартиби масаласи бўйича маъруза билан таклиф этилган шахс чиқишилари тингланади. Чиқишиларнинг натижаларига кўра кун тартибидаги масала мұҳокама қилинади. Овозга қўйилган савол бўйича овоз берилади. Кузатув кенгаси Раиси, у бўлмаган тақдирда эса, унинг Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири овозга қўйиш натижаларини ва қабул қилинган қарорни ўқиб эшиттиради. Кун тартибига қўйилган масалалар кўриб чиқилиши натижасига кўра, кўрсатилган шахс йиғилишини ёпиқ деб эълон қиласи.

6.7. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар Кузатув кенгашининг мажлисини чақириш ва ўтказиш тартибини белгиловчи Қонун ва мазкур Уставда, ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг **кўпчилик** овози билан қабул қилинади. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув кенгашининг **хар бир аъзоси битта овозга** эга бўлади. Жамият Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди. Жамият Кузатув кенгаси аъзоларининг овозлари teng бўлган тақдирда Жамият Кузатув кенгаси Раиси **ҳал қилувчи овозига** ҳукуки эга.

6.8. Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Жамият Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

6.9. Конуннинг **18-моддаси иккинчи ва тўртинчи қисмларида** ва Уставнинг **4.4. ва 4.6. бандида** кўрсатилган масалалар бўйича қарор Жамият Кузатув кенгashi томонидан бир овоздан қабул қилинади.

Жамият Кузатув кенгашининг йигилишлари сўров ўтказиш йўли билан шунингдек, видеоконференц-алоқа режимида ўтказиши, Жамият Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

Жамият Кузатув кенгashi мажлиси масофадан туриб ахборот коммуникация технологияларини, шу жумладан видеоконференц-алоқа тизимидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб ўтказилиши мумкин, бунда мажлисда иштирок этаётган Кузатув кенгashi аъзолари кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилишлари ва улар бўйича овоз беришлари мумкин. Жамият Кузатув кенгашининг мажлиси видеоконференц-алоқа тизимидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб ўтказилган тақдирда, мажлис баённомасида бу ҳақда кўрсатилади, ушбу мажлис сиртдан овоз бериш йўли билан ўтказилган деб эътироф этилмайди.

Ҳар чоракда ижро органининг ҳисботини эшлиши бўйича кузатув кенгашининг мажлисларини **сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) ўтказишга йўл қўйилмайди**

6.10. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгashi мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг **ўн кундан** кечиктирмай тузилади.

Мажлис баённомасида қўйидагилар кўрсатилади:

мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;

мажлисда иштирок этадиган, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок этадиган шахслар; мажлиснинг кун тартиби; овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари; қабул қилинган қарорлар.

Жамият Кузатув кенгashi мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган Жамият Кузатув кенгashi аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

6.11. Жамият Кузатув кенgashi мажлиsinинг баённомаси имзоланган куни Жамиятнинг Бошқарувига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенgashi акциядорларнинг Умумий йигилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор хақидаги ахборот Жамиятнинг Бошқарувига Кузатув кенgashi мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

7. Кузатув кенgashi қошида қўмиталарни шакллантириш

7.1. Энг муҳим масалаларни кўриб чиқиш ва жамиятнинг кузатув кенgashi тавсиялар тайёрлаш учун жамият кузатув кенgashi қошида кузатув кенgashi, ижроия органи аъзолари, жамият ходимлари ва жалб этилган экспертлар (тегишли соҳа мутахассислари, соҳа олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва бошқалар) дан иборат тегишли масалалар, шу жумладан, низоли вазиятларни аниқлаш ва ҳал этиш бўйича қўмиталар (ишчи гурухлари) ташкил этиши мумкин.

7.2. Қўмиталарни шакллантириш мақсади ва уларнинг ишлаш тартиби, сони ва таркиби жамият кузатув кенgashi карори билан тасдиқланган низомларда белгиланади.

7.3. Жамият акциялари фонд биржасининг биржа котировкаси варагига киритилганлиги сабабли жамиятнинг фақат жамият кузатув кенgashi аъзоларидан таркиб топган **аудит қўмитасини** ташкил этиши шарт.

7.4. Жамиятда аудит қўмитасидан ташқари қўйидаги қўмиталар ташкил этилади:

- Тайинлаш(танлов) ва мукофотлаш бўйича қўмита
- Стратегия ва инновациялар бўйича қўмита
- Низоли вазиятларни аниқлаш ва хал этиш бўйича қўмита

7.5. Жамиятда ташкил қилинган қўмита аъзоларининг сони 3 (уч) кишидан иборат бўлиб, таркиби кузатув кенгашининг қарори билан 7.1. бандида кўрсатиб ўтилган жамиятнинг бошкарув органлари ва соҳа мутахассислардан иборат бўлган аъзолардан белгиланади.

8. Кузатув кенгаш аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

8.1. Кузатув кенгаш аъзоси қуидаги ҳуқуқларга эга:

Кузатув кенгаш мажлисида шахсан қатнашиш, йиғилишда мухокама қилинаётган масала юзасидан регламент билан ажратилган вақт доирасида сўзга чиқиш;

Кузатув кенгаш қарорига кўра муайян даврда Жамиятининг фаолияти, уни ривожлантириш режалари тўғрисида ахборот олиш;

Кузатув кенгашсида вазифаларни бажарганлик учун тақдирлаш пули ва (ёки) харажатларнинг компенсациясини олиш.

қонунчилик, Жамият Устави ва мазкур Низомига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

8.2. Кузатув кенгаш аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлаш Кузатув кенгаш Раиси томонидан Кузатув кенгашнинг ҳар бир аъзоси учун аниқ амалга оширилади. Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси ушбу Низомнинг 7.4., 7.5. ва 7.6. бандларида кўрсатилган холатлар юзага келганда, кузатув кенгashi аъзоси вазифасини бажаришдан озод этилади. Кузатув кенгашнинг ҳар бир аъзоси учун тақдирлаш пули миқдори фаолият самарадорлигига қараб акциядорлар Умумий йиғилиши томонидан белгиланади.

8.3. Жамият кузатув кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрни қопланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдорлари Конунчилик билан белгиланган меъёр доирасида акциядорларнинг Умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланган “Кузатув кенгashi, тафтиш комиссияси ва ижроия органи аъзоларини рағбатлантириш тўғрисида”ги Низомда белгиланади.

8.4. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари қуидагиларга мажбурилар:

Жамият битим тузишидан аффиланганлиги тўғрисида қонунчиликда белгиланган тартибда Жамиятни хабардор этиши;

Кузатув кенгashi аъзолари ўзларининг мажбуриятларини ҳалол, шунингдек Жамияти манфаатлари йўлида улар энг яхши деб ҳисоблайдиган усул билан амалга ошириш;

қонунчилик, Жамият Устави ва мазкур Низомига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

8.5. Кузатув кенгаш аъзолари Кузатув кенгаш томонидан у ёки бу қарорларни қабул қилишга таъсир кўрсатганлик учун бевосита ёки билвосита ҳақ олиш ҳуқуқига эга эмас.

8.6. Кузатув кенгаш аъзолари Жамияти имкониятлари (мулкий ва номулкий ҳуқуқлар, хўжалик фаолияти соҳасидаги имкониятлар, Жамиятининг фаолияти ва режалари тўғрисидаги ахборот)дан шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас.

9. Кузатув кенгаш аъзоларининг жавобгарлиги

9.1. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари Жамият олдида қонунчилигига ва Жамият Уставига мувофиқ жавоб берадилар.

9.2. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим.

9.3. Агар бир нечта шахс жавобгар бўлса, уларнинг Жамият олдидаги жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади.

9.4. Жамиятга заарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Жамият Кузатув кенгаши аъзолари жавобгар бўлмайди.

Кузатув кенгаши аъзоси давлат иштирокидаги корхоналар билан боғлиқ хар қандай масала ёки битим бўйича хар қандай манфаатдорлиги тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиши шарт.

9.5. Жамият ёки у жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида **бир фоизига** эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) Жамиятга етказилган заарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоси устидан судга мурожаат қилишга ҳақли.

9.6. Суд жамиятнинг кузатув кенгаши аъзосини жамиятга мулкий заарар етказганликда айборд деб топган тақдирда, ушбу аъзонинг ваколатлари суднинг қарорига кўра, уларнинг хўжалик жамиятларида раҳбарлик лавозимини эгаллаши тақиқланган ҳолда, бир йилдан кам бўлмаган муддатга тугатилиши мумкин.

9.7. Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоси жамиятга чалғитувчи ахборот ёки била туриб ёлгон ахборот тақдим этганлиги ёхуд ўзлари ёки ўз аффилланган шахслари томонидан фойда (даромад) олиш мақсадида йирик битим тузишни ва (ёки) йирик битим тузиш ва (ёки) аффилланган шахслар билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилишни таклиф этганлиги натижасида етказилган заарар учун жавобгарликка тортилиши мумкин.